

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОЛИМ

*география фанлари номзоди,
профессор И.К.Назаров
80 ёшида*

Бухоро давлат университетида 2021 йилнинг 1 май куни таникли олим, география фанлари номзоди, профессор И.К.Назаров таваллудининг 80 йиллигига багишлаб *"Исроил Қиличевич Назаров ва чўлшунослик илми"* мавзусида республикамизда фаолият олиб бораётган географ олимлар иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилади.

Семинарнинг мақсади 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланишда чўл худудларининг ўрни, республикамизда чўлшунослик илми ва унинг долзарб муаммолари, профессор И.К.Назаровнинг илмий, илмий-ижодий ва педагогик фаолиятида чўл худудлари ва уларни ўрганишнинг амалий аҳамияти каби масалаларини таҳдил этиш кўзда тутилган.

Масъул муҳаррирлар:
А.М.Мавлонов, А.А.Қодиров

Тақризчилар:
Қ.С. Ярашов, география фанлари номзоди, СамДУ доценти
Д.Ш.Явмутов, иқтисод фанлари номзоди, БухДУ доценти

**БухДУ Табиий фанлар факультети илмий кенгашининг 2021
йил 3 апрелдаги 8-сонли йиғилиш қарори билан нашрга
тавсия этилган.**

СЕРҚИРРА ОЛИМ ВА УСТОЗ МУРАББИЙ

**А.А.Қодиров, БухДУ таянч докторанти;
С.Ж.Раҳмонова, Бухоро вилояти Шоғиркон туманидаги
4- мактаб олий тоифали ўқитувчиси**

«Ҳар бир халқни дунёга танитадиган, шон-шуҳратини юксалтирадиган асл фарзандлари бўлади. Ватан дарди билан ёнувчи заҳматкаш инсонлар ўз халқининг маънавий-маърифий оламини ҳар томонлама ривожлантиришда бутун умри, бор билими, қобилияти, истеъдод ҳамда салоҳияти билан астойдил хизмат килади. Бу дунёда касблар кўп. Уларнинг ҳар бири жамиятда ўз ўрни, мавкеига эга. Аммо дунёда шундай касб борки, унинг соҳибларини бир овоздан миллат ва маънавият фидойилари деб аташ мумкин. Шубҳасиз, бу касб эгалари устоз-мураббийлардир» деган эди республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов.

Устоз деган номнинг юки жуда оғир. Уни кўтариб юришнинг ўзи бир мاشаққат. Бу номга лойик бўлиш учун инсон атрофдагиларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши, ёш авлодни муносиб ворислар сифатида тарбиялаши ҳамда энг эзгу хислатларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Ана шундай устозлардан бири шубҳасиз география фанлари номзоди, профессор Исройл Қиличевич Назаровдир.

Инсон умрининг ҳар бир дақиқаси, унда қилинган барча эзгу ишлар ва амаллар ҳаёт зарваракларини ўзида мужассам этгувчи гўё бир китобдир. Донишмандлардан бири инсоннинг ҳақиқий юзи унинг ҳаёти давомида амалга оширган эзгу ишлари билан белгиланади,-деб таъкидлаган эди. Инсонда юксак салоҳият пойдевори унинг ақлий, маънавий ва оиласий тарбияси орқали белгиланади. «Инсон табиатнинг энг олий маҳсули. У биосоциал мавжудот. У табиатда, ижтимоий ҳаётда бетакрор, ўзига хос ва мос ҳаёт йўлига эга» деб ёзган эди устозимиз И.Қ.Назаров бир мақоласида. Дарҳақиқат устозимизнинг ўзлари ҳам бундан истисно эмас.

Доно халқимиз илм изловчиларни ҳақиқат изловчидир деб айтиб келган. Исройл Қиличевич Назаров ана шундай ҳақиқат изловчилардан бири, узоқ йиллардан буён ёш авлодга география

илмидан сабоқ берган тиниб тинчимас муаллим ва олим, илмнинг қадрини биладиган, фан заҳматкашларини қадрлайдиган фан тарғиботчиси ва ташкилотчисидир. Устоз танлаган соҳа энг қадимги ва истиқболли, кундалик ҳаёт билан чамбарчас боғланган фанлардан бири – географиядир.

Күшнинг икки қаноти бўлганидек, ҳаётнинг ҳам икки жабҳаси: яъни моддий ва маънавий томонлари бор. Шунингдек, буюк Суқрот айтганидек: “Фақат бир эзгулик бор-билим ва фақат бир ёмонлик бор-жаҳолат”. Инсон умри сарҳадлик бўлганлиги учун эзгуликка интилиб яшаши, авлодларга ўзидан маънавий мерос қолдириши, ҳеч бўлмаса яхши ном чиқариши ҳам қарз, ҳам фарз. Пайғамбаримиз ҳадису шарифларидан бирида, бу дунёни ўйласанг, тижорат қил, у дунёни ўйласанг ибодат қил, икки дунёнгни ҳам обод бўлишини истасанг илм қилдеб панд насиҳат қилганлар. Умрнинг чопоғонлигини қарангки, илм йўлини танлаган устоз Исройл Қиличевич Назаров бугун 80 ёшни тўлдириб 81 ёшни қаршиладилар.

Биз бу инсонниуниверситетга илк қадам қўйган кунимиздан буён яхши биламиз. Устознинг таълими ва тарбиясини олиб бировдан кам булганимиз йўқ аксинча дўстларимиз даврасида шундай улуғ инсоннинг шогирди сифатида сарбаландмиз. Устоз ҳақиқий олим ва тарбиячи сифатида ҳамиша шогирдлар ардоғида. У кишидан ўрганганларимиз бугунги кунда муаллимлик фаолиятимизда аскотмоқда. Устоз таълим бериш жараёнида бизни бағрикенгликка қатъийликка ҳамда жамоавийликка ўргатди. Дарс жараёнида ҳам ҳаётй мулокотда ҳам “қатъий”, “қатъий назар” деган ибораларни кўп ишлатадиган устознинг феъли ва характеристида ҳам бу яққол намоён булади. Илмда ҳам устоз ўз фикрида қатъий туришини куплаб марта гувоҳи бўлганмиз. Устоз география кафедраси мудири сифатида ушбу жамоанинг шаклланишига улкан ва бекиёс ҳисса қўшдилар. “Яхши раҳбар чин падар” деган иборани устоз кўп ишлатар эдилар ва бунга ҳаётда амал қиласдилар. Барча кафедра аъзоларини ҳар томонлама иқтисодий ва маънавий жиҳатдан кўллаб қувватлаб уларга илмий фаолиятига кўмак бериб келмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз нафақат илм дунёсида, балки шахсий ҳаётда ҳам барчага бирдек ўрнак бўла олдилар. Ўз фаолиятлари давомида бир неча ёш олимларнинг

илмий ишларига раҳбарлик қилиб, уларни камолот сари етакладилар. Ана шулардан бири устозимиз Х.Р.Тошовдир. Инсон дунёга келибдики, кимданdir нимани ўрганади ва кимгадир нимани ўргатади. Устоз шогирдлик юртимизда қадимдан таркиб топган ва қундалик ҳаётимизда барқарорлашган анъаналардан биридир. Устозининг менга «Сен Ўзбекистон иқтисодий географияси тарихини ўрганмоқчи бўлсанг энг аввало Черданцев ва Четиркинни сўнг Акромов, Отамирзаев, Солиев ва Қаюмовни ишларини ўрган» деб айтган гаплари ҳали ёдимда.

Устознинг олий ўкув юртлари учун географиядан яратган асарларидан хусусан “Табиий географиянинг асосий муаммолари” ўкув қўлланмасидан фойдаланилаётганлиги укишининг илмий салоҳияти эътирофидир. Фан соҳасида чукур назарий пойдеворга эга бўлмай туриб бу даражага етиббўлмайди. Энг муҳими, устоз илм фалсафасини ҳаёт ва яхшилик фалсафасига айлантира олганлар. У киши педагог сифатида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий, таълимтарбиявий, маънавий-маърифий ишларига алоҳида эътибор берган, кўп вақтини талаба ёшларнинг истеъдод ва қобилиягини ривожлантиришга, уларга истиқболли йўл кўрсатишга ҳаракат қилган, пировардида бунинг маҳсулини кўрган ва улуғланган устоз сифатида тилга олинади. Устоз ҳақида кўпгина географ олимларнинг яқдил фикри ҳам мана шундай.

Бир инсоннинг саксон йиллик ҳаётини қисқа сатрларда ифода этиш жуда мушкул иш, биз устоз босиб ўтган серқирра ва пурмаъно ҳаёт йўлиниң айрим жиҳатларига тўхталдик, холос. Зеро ҳаёт уммонида устоз сингари инсонлар жуда кўп. Улар ҳаётда эришган ютуқлар халқимиз ва жамиятимиз ривожи учун бир мактаб вазифасини бажаради.

Инсон умрини безатувчи, унга мазмун-моҳият бағишлиовчи жиҳат унинг эл-юрт учун амалга оширган эзгу ва хайрли ишларидир. Ана шу ишларни унинг ҳаётидаги қутлуғ излари деса бўлади. Сўзимизни мухтасар қилиб, устознинг айтган сўзи, босган изи ҳеч қачон ўчмаслигига, ҳали юрт ва халқ манфаатлари йўлида самарали ижод қилишига, фанимиз фидоийси сифатида унинг равнақига муносиб ҳисса қўшишларига, ҳамиша шогирдлар ва фарзандлар ардоғида бўлишларига тилакдошмиз.

МУНДАРИЖА

И.К.Назаров ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари	3
Мавлонов А.М., Қодиров А.А. Чўлшунос олим И.К.Назаров – 80 ёшда. Сўзбоши ўрнида	5
ИСРОИЛ ҚИЛИЧЕВИЧ НАЗАРОВ – ГЕОГРАФ ОЛИМЛАР ВА ЗАМОНДОШЛАРИ НИГОҲИДА	
Ҳикматов Ф.Ҳ., Эрлапасов Н. Улуғлар назарига тушган устоз И.К.Назаров	12
Сабитова Н.И. Назаров Исаил Клычевич – ведущий пустыновед и исследователь аридных геосистем Средней Азии	17
Тўраева Л.Ҳ., Тошов Х.Р., Эргашева М.К. Ҳикматли қалб қудрати ёхуд муруватли олим	19
Комилова Н.Қ. Чўл билан тиллашган Бухоро география илмий мактаби жонкуяри	22
Ҳайитов Ё. Чўл табиатининг гултожи – инсони	27
Миракмалов М.Т. Чўлшунос олим ибрати	31
Федорко В.Н. От пустыноведения к философии и методологии науки (к юбилею Исаила Киличевича Назарова)	33
Дўстов С. Таниқли географ, педагог олим	38
Ҳалимова Г.С. Устоз ҳикмати – саодат калити	40
Явмутов Д.Ш. Замонавий география фанининг забардаст устуни	47
Артикова Ҳ.Т., Назарова С., Умаров О.Р. Содик дўст, меҳрибон устоз, етук олим	49
Э.Д.Ниёзов, М.А.Турсунов. Бухоро географиясининг асосчиси .51	
Алланазаров К., Ходжаева Г. Чўлшунос олим ва география фани фидойиси	53
Бахромов Қ.Ҳ. География илмининг меъмори	55
Мирзаева И.Э. Қалби дарё, меҳрибон устоз	59
Qalandarova D. Ma'rifat nuri	62
Файзиева Ф.А. Оиласизнинг қадрли дўсти ва самимий устоз....	65
Nematova X.X. Ezgulikka baxshida umr	67
А.М.Мавлонов, Ю.Б.Рахматов. Бухоро географларининг сардори.....	69
А.А.Қодиров, С.Ж.Раҳмонова. Серқирра олим ва устоз мураббий.....	72